



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 26 oktyabr № 44 (477)

Sotuvda narxi erkin

"Алоқабанк" акциядорларининг 9 ойлик иш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бошқарув раиси Капитон Ким ўтган давр мобайнида банк фаолиятида амалга оширилган молиявий

Банкнинг даромад тизимида фойданинг 20 фоизга яқинини кредит қўйилмалар ташкил этиб, деярли 40 фоизини коммиссион хизмат кўрсатиш, 21 фоиздан кўпрогини эса хорижий валюталар билан ишлаш, қол-

ланганимаган заҳиралар хусусида фикр билдирдилар. Мисол учун, қисқа муддатли депозитлар, тижорат туловлари, сугурта, маъмурий харажатлар турли хайрия ва ижара каби қатор масалаларда қўп маблағ сарфлани-

шига йўл қўйилган. Деярли барча филиалларда, жумладан Ну-

"АЛОҚАБАНК" ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

кўрсаткичлар хусусида ахборот берди.

Ахборотда

аввал, "Алоқабанк" универсал тижорат банкига айлантирилгани, яъни у ихтисослаштирилган соҳа банкидан фарқли равишда фақатгина почта ва телекоммуникация соҳаси мижозларигагина эмас, балки кичик ва ўрта бизнес корхоналари ва хусусий шахсларга ҳам хизмат кўрсатиши айтиб ўтилди. Йиғилишда қатнашган филиаллар раҳбарларига пул-кредит соҳаси, инфляция даражасини пасайтириш бўйича тadbирларда иштирок этиш, макроиктисод мўътадиллигини ва тулов интизомини мутахассамлаш, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида 9 ой мобайнида олиб борилган ишлар хусусида тулиқ маълумот берилди.

Маълумки, банк почта ва телекоммуникация корхоналарининг ривожлантириш, модернизациялаш лойиҳаси ва дастурини амалга ошириш, республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Банк ишини Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларидаги филиаллар ривожлантирмоқда. Ўтган давр мобайнида банк даромади 1,3 мартага ортиган, бу режадаги мўлжалдан 2,7 млн. сўм қўп демакдир.

ганларини қимматли қозғолар, бошқа банклардаги депозитлар, инвестициялар ташкил этиди. Соф активлар 6 млрд. сўмга етди. 2 млрд. сўмдан ортиқ кредит ажратмаларининг 554 млн.ни кичик ва ўрта бизнес учун, 500 млн. сўмга яқини давлат корхоналари, 1,3 млрд. сўмдан кўпроғи почта ва телекоммуникация корхоналарига берилди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам ривожлантириб бораётган банк ҳозир бутундунё "Свифт" уюшмасига аъзо бўлди. Шунингдек, "Алоқабанк" дунёдаги машҳур хорижий ҳамкорлар — Американинг "Чейз - Манхеттен", Германиянинг "Дойчбанк", Россиянинг "Связьбанк" ва бошқа бир қанча банклар билан алоқа ўрнатди. Бир юз еттита экспорт-импорт шартномалари имзоланди.

"Алоқабанк"ка 9 млрд. сўмдан иборат нақд пул маблағлари келиб тушганлиги кўзланган ҳамкорларини сезиларли ошди. 24 та омонат касаларининг ишлашида ижобий ўзгаришларга эришилди, аҳолининг наъжада омонат жамғармалари 3,5 баробарга ўсди.

Мажлисида Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси бош директори Р. Қосимов ва бошқалар мавжуд камчиликлар ҳамда фойда-

кус, Урганч, Бухоро, Андижон, Наманганда харажатлар белгиланган режа доирасидан ошиб кетган. Инвестициядан бор-йўғи 7,5 млн. сўм фойда қўрилган. Инвестициялар олган айрим мижозларнинг сарможаларидан 6,1 млн. сўм даромад олинмаган. Узоқ муддатли кредитлар эса фақат 7 фоизингига ташкил этган, холос. Муддати ўтган кредитор қарздорлик 6,5 млн. сўмдан иборат бўлиб, утказилган текшириш жараёнида қўпол ҳаюликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Битта шундай далил бўйича иш тергов органларида ўтказилди.

Йиғилишда фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда "Алоқабанк"нинг иш самарадорлигини ошириш бўйича қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда ташкилий масалалар қўриб чиқилди. Банкнинг маслаҳат кенгаши таркибига — Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Орипов, "Ўзбектелеком" АК бош директори Х. Муҳиддинов, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори А.Маҳмудовлар киритилди. "Алоқабанк" маслаҳат кенгашининг раиси этиб Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Орипов сайланди.

А. КУДИНОВ

ТИНЧЛИККА НИМА ЁТСИН

Америкада жорий йил, 11 сентябр куни содир этилган террорчилик жаҳондаги барча тинчликсевар кучларни ларзага солди. Терроризмга қарши кучларни бирлаштириш лозимлиги аён бўлди. Шу кунларда Америка Қўшма Штатларининг Афғонистон ҳудудидаги террорчиларга қарши олиб бораётган кураши барча қатори "Фарғона почтаси" АЖ аъзоларининг ҳам диққат эътиборида турибди.

Ушбу долзарб масала юза-

сидан корхонамизда йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда бу ҳарбий ҳаракат афғон халқига ёки мусулмонларга эмас, фақат Афғонистонда ин куриб олган халқро террорчиларга қарши қаратилганлиги таъкилланди. Шунингдек, ушбу жараёнга Ўзбекистон ҳукуматининг муносабати ва Республикамиз Президентининг Баёноти юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

У. ИСКАНДАРОВ

ТЕРРОРИЗМ — ОФАТ

"Жиззах почтаси" акциядорлик жамиятида терроризмга қарши кураш масаласида йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда Республикамиз Президенти И. Каримовнинг Афғонистонда бўлаётган воқеалар юзасидан берган Баёноти, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавоблари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Почта ходимла-

рига, айниқса, хабарчиларга халқ ўртасида нотўғри фикрлар туғилмаслиги учун тушунтириш ишларини олиб боришлари зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Сўхбатда вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси ва Миллий хавфсизлик хизмати вакили иштирок этди.

С. САИДМИРЗАЕВ,
Жиззах вилояти

СПАРТАКИАДА ЯКУНЛАНДИ

Тошкент алоқа коллежида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ташаббуси билан ўтказилётган, "Оналар ва болалар йили"га бағишланган республика спартакиадасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Тармоқда меҳнат қилаётган ходимлар ва уларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, касаба уюшмаларининг долзарб вазифаларидан биридир, — деди Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Тоҳир Назаржонов. — Алоқачилар ва уларнинг фарзандларини оммавий спортга жалб

этиш жисмонан ва руҳан тетикликни таъминлаб, меҳнат унумдорлигини оширади.

Мусобақаларда алоқачиларнинг пухта ҳозирлик кўрганликлари сезилиб турди. Волейбол ва стритбол беллашувларида сармақандлик алоқачилар биринчи, Тошкент шаҳар алоқачилари иккинчи ўринни эгаллашди. Эстафета мусобақаларида омад қорақалпоғистонликларга қўлиб бокди.

Умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилоятига биринчи, Тошкент шаҳрига иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси вакилларига учинчи ўринлар насиб этди.

Ўз мухбиримиз

Обуна - 2002

"ХАВАР" ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Янги обуна мавсуми бошланди. Агар Сиз "Хавар"га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамики янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

"Хавар" газетасига 2002 йил учун обуна давом этмоқда. Газетамизга барча алоқа бўлимида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:

- Яқка тартибдаги обуначилар учун — 227.
- Ташкилотлар учун — 228.
- "Хавар" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадорнингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!

• Алоқа соҳасида тadbиркорлик

ТЕЛЕФОННИ ИЖАРАГА БЕРСА БЎЛАДИМИ?

Ҳа, бўлади дейишмоқда андижонлик алоқачилар.

Тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бозор иқтисодиёти мулкчиликни, соф рақобат муҳитини, эркин нархлар сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Бунда асосан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муҳим омил ҳисобланади. Ҳар қандай тармоқда кичик бизнесни ривожлантириш авваламбор, таклиф этилаётган товар турларининг кенгайишига, аҳоли эҳтиёжини тўла-роқ қондиришга, даромад манбаининг кўпайишига олиб келади. Қолаверса, қўллаб иш ўринларини барпо қилишга имкон беради. Агентлик ва "Ўзбектелеком" АКлари томонидан тармоқда кичик ҳамда ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга оширилган

дир чикилди. Буларда аҳолига хизмат кўрсатувчи сўзлашув масканлари, таксофон ва кичик сизимдаги қишлоқ АТСларини аҳолига узоқ муддатли ижарага бериш тартиблари кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, бутунги кабел таъчиллиги даврида барча тураржойларини тўла телефонлаштириш имкони йўқ. Қўллаб қишлоқ АТСлари эса ҳозирда зарар билан ишламоқда. Чунки бу ҳудудлардан олинмаган даромад қилинаётган харажатларини қопламайди. Лекин нима бўлганда ҳам аҳолининг алоқа хизматида бўлган эҳтиёжини таъминлаш лозим. Ҳўш, бунинг учун нима қилиш керак? Вилоятда симли алоқа хизмати таклиф этувчи ягона оператор ҳисобланган "Андижон Телеком"

АЖ мутахассислари бу муаммо устида узоқ вақт изланишлар олиб борди ва унинг ягона ечимига тўхтади. Бу — ишларни тadbиркорлик қобилиятига эга бўлган шахсларнинг қўли билан амалга ошириш, яъни соҳада кичик бизнесни ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Корхона бош директорининг 2001 йил, 19 мартдаги буйруғи соҳада кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига туртки бўлди. Буйруққа асосан филиалларда кичик сизимли қишлоқ АТСларини, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув масканларини ташкил этиш ва таксофонлар сонини ошириш йўли билан 100 та рақамли ижарага бериш қўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда.)

Хозирги кунда телефон алоқаси ҳаётий заруратга айланган қолди. Бирон-бир корхона, ташкилот, муассасаси телефон алоқасисиз тасаввур этиши, ундан фойдаланишга қараганда қандай ҳал этилмоқда? Мухбиримиз "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамияти Марказий филиали директори Нигматулла СУЛТОНОВ билан шу ҳақда суҳбатлади.

— Нигматулла Курбонвич, аҳолига сифатли алоқа хизмати кўрсатиш учун корхонада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Марказий филиал "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" АЖда салмоқли нуфузга эга. Корхонамиз шаҳар марказида жойлашганлиги учун ҳам бу ерда ишлашнинг ўзига хос хусусияти бор. Биз хорижий давлатлар элчихоналари, ваколатхоналар, қўшма корхоналар, йирик саноат корхона ва ташкилотлари ҳамда аҳолига алоқа хизмати кўрсатамиз. Тошкент шаҳрида алоқа хизмати кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида 1994-96 йиллардан бошлаб жиддий шуғуллана бошланди. Янги станцияларро уланши радиореа алоқа линиялари орқали йўлга қўйилди. Бу ишлар "Алкател" ва "Сименс" фирмалари томонидан амалга оширилди.

СДН алоқа мажмуаси эса транспорт халқа лойиҳаси асосида ишга туширилди. Шу тадбирлар натижасида Тошкент шаҳрини янги станцияларда юқори сифатли алоқа билан таъминлашга муваффақ бўлинди.

— Бир пайтлар мижозларга телефон ўрнатишда навбат йўқлиги ҳақида фикрлар айтилди. Бирок маълум бўлишича, бу гап унчалик тўғри эмасга ўхшаб қолди. Корхонамизда бу масала қандай ҳал қилинмоқда?

— 1998 йили Марказий филиал раҳбари сифатида иш бошлаганим-

Нигматулла СУЛТОНОВ:

да филиал бўйича 28 минг нафардан ортиқ киши телефон ўтказиш учун навбатда турган экан. Булар ичида 10-15 йиллаб навбат кутиб турганлар ҳам бор эди. Кун тартибда турган муаммони зудлик билан ҳал этиш мақсадида мутахассислар билан биргаликда зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2000 йили аҳолидан 1999 йилгача тушган аризалар икки йил ичида қондирилди. Хозирги кунда филиалимизда 2,5 мингга яқин ариза мавжуд бўлиб, булар 1999 йилдан кейин навбатда турганлардир. Бу аризалар ечимни бўйича ҳам ишлар олиб бориляпти. Асосий муаммо телефон станцияларида бўш рақамларнинг йўқлиғидир.

— Маълумки, хозирги кунда дебиторлик ва кредиторлик қарзлар барчани қийнаётган муаммолардан бири. Шу ҳақда нималар дея оласиз?

— Албатта, дебиторлик қарзлар, мижозлардан телефон ҳақини ўз вақтида ундириб олиш каби муаммолар йўқ эмас. Корхонамизда кредиторлик қарздорлик йўқ, дебиторлик борасида кўпгина ишлар олиб бориляпти. Ҳар бир режими амалга

оширишда маблағ зарур. Мижозлардан телефон ҳақини ундириб олиш учун аввало уларга керакли шароитни ҳам яратиб қўйиш лозим. Бу борада "Алоқабанк" билан шартнома туздик. Шартнома бўйича банк маблағи ҳисобига 133-АТСда иккита, 34-АТС биносида эса олти та замонавий кирим кассалари ташкил этилди. Бу ерда бир вақтнинг ўзига шаҳарларро ва хал-

транспорт халқаси ишга туширилди. Хозирги кунда кичкина халқалар бўйича ишлар жадал олиб боришмоқда. Ундан ташқари декадали одимлаб ишловчи 35, 48 ва бошқа АТСларни замонавий АТСларга алмаштириш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" АЖда маълумот узатиш тармоғи ишга туширилди. Бунда аҳоли ва корхоналар Интернетга боғланади. Бугунги кун-

— Сўнгги йилларда хотирангизда сақланиб қолган энг муҳим воқеа ҳақида нима дейсиз?

— Мен ҳаётимни алоқа соҳасига бағишлаган инсонман. Узок йиллардан бери шу соҳада ишлаб келаман. Илгари алоқа соҳасига давлат миқёсида эътибор берилгани сезилмасди. Республикамиз мустақилликка эришган, давлатимиз раҳбари Германияга қилган сафариди "Сименс" қўшма корхонаси билан шартнома тузиб, алоқа соҳасига катта инвестиция ажратгани мен учун муҳим ва унутилмас воқеа бўлди.

— Ҳаётда нималарга кўпроқ қизиқасиз? Оилангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Мен бўш вақтларимда балиқ овлашни ёқтираман. Озгина вақтим бўлса бильярд ўйнаб ҳордиқ чиқараман. Икки нафар қизим ва бир нафар ширин неварам бор. Турмуш ўртоғим билан касбдошимиз.

— Хозирги кунда Афғонистондаги воқеаларга муносабатингиз.

— Терроризм билан муроасиз кураш олиб бориш керак. Чунки террорчилар ҳар қандай разиликдан қайтмайди. 1999 йил, 16 февралда Тошкентда, жорий йил, 11 сентябрда АҚШда содир этилган даҳшатли воқеалардан маълумки, террорчиларни, уларга қўмак бераётган манбаларни топиб, таг-томри билан йўқ қилиш керак. Президентимизнинг бу борада олиб бораётган сиёсати бугунги кун учун энг одилона йўлдир.

Иззат АХМЕДОВ суҳбатлашди

"ҲАЁТИМНИ АЛОҚА СОҲАСИГА БАҒИШЛАГАНМАН"

қаро сўзлашувлар, шунингдек, қўшимча кўрсатилган хизмат ҳақлари бўйича ҳисоб-китоб ишлари ҳам олиб борилади. Натижада мижозга кўрсатилган хизмат вақти кескин қисқарди ва навбатга туришлар камайтирилди. Бундан ташқари Юнусобод туманидаги 24, 25, 22/23 АТС биноларида ҳам қўшимча кирим кассалари ташкил этдик. Бундай қўлайликлар дебиторлик қарзларнинг қамалтиришга имконият яратяпти. С. Раҳимов филиалида Биллинг маркази ишга туширилди. Бундай марказни барча филиалларда жорий этиш режалаштириляпти.

— Миллий дастур асосида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Замонавий технологияларнинг жорий этилиши қай даражада?

— Миллий дастур бўйича Тошкент шаҳрида, қолаверса филиалимизда қатор ишлар амалга оширилди. Худди шу дастурда телефон тармоғини тақомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари белгиланб берилган. Шаҳар телефон тармоқларида 37 мингга яқин телефон замонавий рақамларга айлантирилди. Тошкент шаҳрида станцияларро уланши


да тармоқ IP интеллектуал телефон хизматларини кўрсатиш имкониятига эга.

— Корхонада меҳнат қилаётган ёшлар ҳақида нима дейсиз?

— Президентимиз деярли ҳар бир матрузасида ёшлар бизнинг келажагимиз эканлигини таъкидлайди. Уларга алоҳида ишонч билдиради. Корхонамизда жуда кўп ёш кадрлар меҳнат қилишади. Улардан А. Фаттохов, Б. Усмонов, Ф. Камолитдинов, Н. Фахриддинов; Ф. Нуриддиновлар Тошкент шаҳридаги энг ёш линия муҳандислари ҳисобланади. Мен буларга ишонч билдириб, тўғри иш қилганман деб ўйлайман. Бугун ёшларга ўз билми ва тажрибаларимизни қанчалик пухта ўргатсак, эртага соҳамиз ишончли қўлларда бўлади.

— Устозларингиз ҳақида ҳам бир-икки оғиз сўзлаб берсангиз?

— Улар ҳақида фақат ва фақат илиқ сўзларни айтишим мумкин. А. Тоғайлиев, В. Кравченко (марҳум), П. Умаров, А. Алимбоев, С. Аъзамовлардан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Устозлар ўғити ҳаётда менга жуда-жуда асқотди.



«Toshkent Telekom» АЖ Олмалик шаҳар марказий АТСи электр ускуналари электромонтёри Надежда КУРБЕДИНОВА дизел генераторда навбатдаги созлаш ишларини олиб бормоқда.

Т.ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши 2001 йил, 23 ноябр, соат 10⁰⁰ да Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-уйда ўтказилади.

Рўйхатга олиш соат 8⁰⁰ дан бошланади. Акциядорлар реестри 2001 йил, 26 сентябр ҳолатига қўра ёпилган.

Акциядорлар вакиллари ишончнома, паспорт билан келишлари керак. **Мурожаат учун телефонлар: 34-96-30, 139-23-78.**

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро органининг "Ўзбектелеком" АК 2001 йил, 9 ойлик молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳақидаги ҳисоботи.
2. "Ўзбектелеком" АК бош директорини тасдиқлаш.
3. "Ўзбектелеком" АК Кузатов Кенгаши аъзоларини сайлаш.
4. Компанияга акциядорлик жамиятларни — худудий операторларни қўшиш йўли билан "Ўзбектелеком" АКни қайта ташкил этиш.

Кузатов Кенгаши

"Тошкент телеграф-телефон станцияси" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 22 октябрдан 20 ноябр, соат 10⁰⁰га қўчирилгани маълум қилинади.

• Алоқа соҳасида тадбиркорлик

ТЕЛЕФОННИ ИЖАРАГА БЕРСА БЎЛАДИМИ?

(Аввали 1-бетда.)

Ушбу вазифани амалга ошириш учун эса алоқа соҳасига инвисторлар ва тадбиркорлар жалб қилинди. Жорий йилнинг 6 ойи давомида вилоят бўйича 327 та таксофон (327 та рақам) ижарага берилди. Шаҳарларро ва халқаро сўзлашув масканларини ташкил этиш бўйича 9 нафар тадбиркор билан шартнома тузилди ва вилоят бўйича тўққизта сўзлашув маскани (10 та рақам) ташкил этилди. Мазкур сўзлашув масканларининг иккитаси Андижон шаҳрининг Бобур шоҳқўчаси ва Богинишмоҳ даҳасида, иккитаси Булоқбоши туманининг Кулда жамоа ҳўжалигида, биттаси Пахтаобод туманининг Маданият қишлоғида ва тўрттаси Қорасув шаҳрининг Янгибозор, Бобуриқов, А. Темур қўчалари ва Шоҳбекат худудига жойлашган. Ҳозир мазкур масканларда хусусий тадбиркорлар "провайдер" сифатида иш қоритмоқдалар. Бундай қўлай сўзлашув масканларини ташкил этиш билан вилоят, айниқса, қишлоқ аҳолисининг қисман бўлса-да алоқа хизматида бўлган эҳтиёжлари қондирилмоқда. Юқорида айтилган 9 нафар тадбиркор эса шартномада белгиланган фонд асосида даромадидан ҳақ олмақда. Жорий йилнинг ярми йили давомида Қўрғонтепа туманининг Чимён қишлоғида жойлашган

100 нафар мижозга хизмат кўрсатувчи АТС шартнома асосида узок муددатли ижарага берилди.

Тармоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бир томондан ҳам акциядорлик жамиятига, ҳам ижарачиларга қўшимча даромад келтираётган бўлса, иккинчи томондан янги иш ўринлари яратишга қўл келмоқда. Рақамларга эътибор берсак, акциядорлик жамияти 6 ой давомида кичик бизнесни ривожлантириш натижасида қўшимча 5508,3 минг сўм даромад қилди. 337 та телефон рақами ва кичик сифатли қишлоқ АТСларининг ижарага берилиши натижасида 330 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Ҳар томонлама манфаатли бўлган кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш учун вилоятнинг Андижон шаҳри, Қўрғонтепа, Пахтаобод ва Ҳўжаобод туманлари бўйича маркетинг ишлари олиб боришмоқда. Ўйлаймизки, тўлалигича телефонлаштириш имконияти бўлмаган худудларда ҳам тадбиркорлар тошлади. "Андижон Телеком" АЖ эса аҳолига алоқа соҳасида янада қўлайлик яратиб йўлида ана шундай тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Ш. ХАЛИЛЖОНОВ, "Андижон Телеком" АЖ маркетинг хизмати мутахассиси

"Toshent Telekom" акциядорлик жамияти

акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2001 йил, 22 ноябр соат 10⁰⁰ да Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 17 "А" уй, "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" АЖнинг мажлислар залида ўтказилади.

Акциядорлар соат 9⁰⁰дан бошлаб рўйхатга олинади. Акциядорлар рўйхати 2001 йил, 18 октябр ҳолатига қўра тузилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. "Toshent Telekom" акциядорлик жамиятининг "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясига қўшилиши муносабати билан қайта ташкил этилиши.
2. Меҳнат жамоасига тегишли бўлган акцияларнинг маълум қисмини имтиёзли акцияларга айлантириш.
3. Кузатов Кенгаши аъзоларини сайлаш.

Кузатов Кенгаши

"Тошкент почтамити"

акциядорлик жамияти

нинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2001 йил, 19 ноябр соат 16⁰⁰ да Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 7-уйда ўтказилади.

Акциядорлар рўйхати 2001 йил, 5 ноябрдаги ҳолатига қўра тузилади.

Рўйхатдан ўтказиш соат 15⁰⁰дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. "Корхонанинг 2001 йил, 9 ойлик иш фаолияти

яқунлари ва 2002 йилги ривожланиш истиқболлари ҳақида" "Тошкент почтамити" АЖ директорининг ҳисоботи.

2. Корхонанинг Кузатов Кенгаши фаолиятининг муддатидан олдин тўхташи ҳақида.

3. Корхона Кузатов Кенгашининг янги таркибини сайлаш.

Кузатов Кенгаши

ТАБРИҚЛАЙМИЗ!

"Бухоро Телеком" АЖ ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари корхонанинг иқтисодий бўлими етакчи иктисодчиси **Марзия ҚИЁМОВА**ни 50 ёши билан муборакбод этади. Унга оилавий бахт, сийхат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайди.



ДУШАНБА, 29

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.45 «Ташлинома»
8.45, 17.55 ТВ маркет.

«Шарҳ ва Жорж»
Мультисернал
10.00, 12.00, 14.00, 18.00
Янгиликлар 10.05 «Олтин тоғ».

«Тошкент» телеканал
7.15 Курсуватлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

хода. «Мирзо Улугбек». Телеспектакль премьераси. 2-қисм. 16.55 «Ватанимга хизмат қилман».

«Шарҳ» телеканал
8.55 Курсуватлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканал
17.15 Курсуватлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«Шарҳ» телеканал
8.55 Курсуватлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.

2-қисм. 12.15 Гагал соғини». 12.35 «Ҳақиқат чегараси». Теле serial. 13.00 «Шарҳ овози».

«Тошкент» телеканал
17.15 Курсуватлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».

«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«Шарҳ» телеканал
8.55 Курсуватлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

ТВ-анонс. 19.40 «Давр-интервью».
19.55 Ватан манзаралари. Термиз шаҳри 2500 йиллигига бағишланади.

«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«Шарҳ» телеканал
8.55 Курсуватлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«Шарҳ» телеканал
8.55 Курсуватлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«Луиза Фернанда». 19.30, 21.00, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Огоҳ». Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси маъмуриятининг қўлида.

«Халқаро» телеканал
РЖТ 6.30-8.00
14.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«Шарҳ» телеканал
8.55 Курсуватлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«Шарҳ» телеканал
8.55 Курсуватлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«Неми - тили». 18.00 Курсуватлар тартиби. 18.05 «Бинафша».

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«Шарҳ» телеканал
8.55 Курсуватлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«Шарҳ» телеканал
8.55 Курсуватлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.

«Узбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

«Тошкентдан гапирмасиз ва қўрсатимиз» теледастури олинди.

«Тошкентдан гапирмасиз ва қўрсатимиз» теледастури олинди.

Миср папирусларидан бирида қарийб икки минг йил ҳукм сурган Күйи Мисрнинг ўн тўққиз фиръавни ҳақида сўз боради. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир фиръавни юз йилдан ҳукмронлик қилган. Бунинг сира ажабланишлиги ери йўқ. Миср фиръавилари илоҳий насабга эга бўлиб, биринчи, иккинчи, учинчи даражали худодлар орасидан уларнига қариндош танлаш ҳуқуқига эга эдилар.

Бернард Шоунинг "Цезар ва Клеопатра" номли пьесасида Клеопатра: "Бувимнинг бувиси Муҳаддас Ок барқининг қизи бўлган, Нил эса уни эттинчи хотин қилиб олган", — дейди.

Кўрсингизки, ҳатто авлод-аждодаларнинг сал-пал илоҳий кучларга эришгани уларга истаганини қила олиш ҳуқуқини бераркан. Айниқса фиръавилар уларнинг илоҳий ҳуқуқларидан жуда кенг фойдаланганлар.

Улар Ливия, Сурия, Финикияга юришлар қилиб, кишиларни асирга олар, катта-катта қурилышларда иштироки учун қулга айлантлар эдилар. Марҳумлар учун макбаралар, худодлар учун эҳромлар, шохлар учун саройлар қурилар эди. Тураржой қурилышларига эса деярли эътибор беринмасди.

Мисрга қилинган ҳар қандай саёҳат эҳромлар зиёратидан бошланиб, улар видоси билан якуланиди. Биз ҳам шундай бошлаймиз... Фақат юччи сағаналардан. Улар мастаба деб номланади.

Ғизо қишлоғи яқинида олиғ насабли мисрликлар мастабаларининг бутун бир шаҳарчаси бўлган. Бу сағаналар кесик эҳромлар шаклида бўлиб, икки хонадан иборат: юқорисида қурбонгоҳ ва марҳумнинг хайкаласи, пастки қисмида эса саркофаг — тошпобут ичида мўмин-

ланган жасади бўлар эди. Фиръавилар уларнинг абадий тураржойлари ўта дабдала бўлишини истаб, мастаба устига мастаба қурдира бошладилар. Шу тариқа эҳромлар бунёда келди. Бора-бора эҳромларнинг тўртта силлик қирраси ҳосил

ВАҚТДАН КЎРКМАЙДИГАН ЭҲРОМЛАР

бўлди. Диний ақидаларга кўра, бу шарқ, ғарб, шимол ва жанубга олиб борадиган рамзий йўл бўлиб, илшоотнинг ўзи эса бутунчи алағна рамзини акс эттирарди.

Афсонада айтилишича, бир куни фиръавининг: "Махшур бўлиш учун нима қилмоқ керак?" деган саволига, коҳин: "Катта квадрат шаклини чизгинда, орасига 6 миллион майда тошларни жойлаштир: бу — халқ. Устидан олти минг таранганган тошларни қўй: бу — паст табақадаги амалдорлар. Улар устига олти минг силлиқлаб пардоз берилган тошларни жойлаштир: бу — юқори табақадаги амалдорлар. Сўнгра силлиқлаб пардозланган, нақшлар билан жилло берилган олти минг тошларни қўясан: булар маслаҳатчи ва лашкарбошилардир. Ва илшоот, ҳаммасининг устидан ўртасида тилладан куём рамзи туширилган улкан тошни қўндиргин: бу сен бўласан", дейди.

Ғизо яқинида уч эҳром айниқса махшурдир. Макбаралар ташқи қиёфаси билан эгасининг улдуворлигини таъкидламоғи лозим эди. Шундай қилиб Ғизо қишлоғи яқинида уч эҳром бунёда келди. Улардан энг улкани — Хеос эҳромидир. Қачонлардир унинг баландлиги 147 метрга етар эди. Ҳозир эса қум қўмиши туғайли бўйи 137 метрга тушиб қолди. Бу эҳром 2 милли-

он уч юз тош блоклардан қурилган бўлиб, ҳар бирининг оғирлиги икки тонна келади.

Блоклар бир-бирига шунчалар жинс қўйилганки, орасига пичок тирини ҳам суқиб бўлмайди. Уларга мисдан асалган меҳнат қуроллари ёрдамида ишлов берил-

ган бўлиб, ҳеч қанақа қоринмасиз бир-бирига жинслаштирилган. Геродотнинг ёзишича, тош қондан то эҳромларгача бўлган йўл ўн йил давомида солинган.

Эҳромлар асосан улкан оҳактош блокларидан қурилган эди. Аммо бу улкан тошлар бир-бирининг устига қай йўл билан жойлаштирилган, деган табиий савол туғилади, албатта. Назарий жиҳатдан жуда олдий усулда дейиш мумкин. Катта-катта қумтепалар ёрдамида эҳромнинг бўйи тобора юксала бориб, сўнг оҳактош блоклари устига берилган сайқал тарикасида мрамартош қопланган.

Хеос эҳромини бир юз йигирма мингдан ортиқ киши йигирма йил давомида қурган. Таомилга кўра, тахтга ўтиргач, ҳукмдор ўзининг "абдий макони" — қурилышига киришган. Албатта, ҳамма фиръавилар ҳам бу мураккаб ишни охирига еткази олишмаган.

Ривоятда айтилишича, эҳромни қурувчилар бош кўтарганлар ва фиръавининг жасади макбарадан жой олмасин, руҳи абадулабад тинчмасин, дея лаянлатганлар. Кўп асрлар ўтгач, археологлар уч макбарадан икитасини мутлақо бўш топдилар. Фақатгина учинчи, энг кичик макбарадангина фиръави Менкауранинг мўминланган жасади тошылди. Лекин у ҳам фалокатга учради. Мўминни ҳар

● ТАРИХ

қандай қимматбахо ёдгорлик Британия музейида сақлангани керак деб ҳисоблайдиган инглизлар топдилар. Улар фиръави хоҳини кемага ортдилар. Йўлда кема қаттиқ бўронга учраб, ўзининг қимматбахо юки билан биргаликда Португалия соҳили яқинида сувга ғарқ бўлди.

Эҳромлар бизни кўлами, ҳажми билан хайратлантаради. Улкан тошнинг ичида дах-

ма бўлган. Тутанхамон эҳромининг кашф этилиши шундай содир бўлган. Бу ҳақда археологлардан бири бундай хикоя қилади: "Секундик билан, кишини толктирадиган сустлик билан ишчилар йўлакнинг қўйи қисмидаги тўсикни олиб ташладилар. Ва илшоот, биз ёниқ эшик қаринидамыз. Ҳал қилувчи дақиқалар етди... Зич ҳавога дуч келишимиздан хавотирланамиз. Шам ёқдим. Мен кичик туйнукчани кенгайтириб, ичкарига назар ташладим... Аввалига ҳеч нарса кўриб бўлмади... Кўзларим қоронғиликка кўнликча, жисмлар зулмат қаридан сузиб чиқатгандек аста-секин кўрина бошлади. Булар жонворларнинг галати шакллари, хайкаллар ва олтинлар эди. Ҳаммаёқда олтин яракларди. Бир неча дақиқагача меннинг қаршимда абадийнинг ўзи тургандек туюлди. Худди гундек қотиб қолдим..."

Археологлар жуда қадим замонлардаёқ инсон қўллари яратган ажойиб ижодиёти Мисрда кўриб, ҳар қадамда ажабланишарди.

Ун учинчи асрда яшаган араб сайёҳи: "Дунёдаги барча нарса вақтдан кўрқади. Вақт эса эҳромлардан", деб ёзади. Лекин улкан эҳромлар ҳам учқур вақт этагидан сира тутиб қололмаганлар.

"ТОШДАГИ БИТИКЛАР" юзпобиди

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирғўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Исломқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2939.
4486 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЈАДОРЛИК
КОМПАНИЈАСИ
БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6

КҲҲҲИЛДА КҲҲҲ ОУЧАН ФИКРЛАР

Ақлингни эмас, қалбингни қадрлаган киши ҳақиқий дўстдир.

Нафсни тийиш қаҳрамонлик, тилни тийиш доноликдир.

Фаросат ақлдан бир қадам олдинда юрмоғи лозим.

Гўзалликдан олисда туриб завқланган маъқул. Унга яқинлашсангиз ҳайратингиз сўниб қолиши ҳам мумкин.

Қўлдаги тошдан қутулишининг илоҳисини топса бўлар, аммо дилга тугилган тошдан сақланиш имкони йўқ.

Ўзингни ўзинг англамасликдан кўра даҳшатлироқ қўрқинч йўқ.

Чиройли ва гўзал қариш насиб этмаса, юз ёшга кирсанг ҳам ҳурмат ва эъзоз тополмайсан.

Бировга ишинг тушганда подшоҳ бўлсанг ҳам бир зина пастда турганинг маъқул.

Ҳаётни қудратли қалбларгина чинакамига севадилар ва қадрлайдилар.

Қорин қўйига қирган одам танасида бош деган аъзо ҳам борлигини унутиб қўяди.

Инсоф инсоннинг инсон эҳлипин тасдиқловчи энг ишонгли ҳужжатдир.

Инсон учун покликдан кўра улғуғроқ, покликдан кўра мўътабарроқ увнон йўқ.

Абдуҳалил ҚОРАБОЕВ

Электромангнит мослашув маркази жамоаси Фарғона вилояти электромангнит мослашув хизмати радиооператори
Иван Михайлович РЯБУХИНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия илҳор этади.

Электромангнит мослашув маркази жамоаси Частота тақсимлаш хизмати бошлиғи Валентина Яковлевага отаси
Иван Андреевич ЯКОВЛЕВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.

"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамияти жамоаси қорхонанинг бош директори С. Аъзамовга қайнонаси
Роҳатхон ЯН САИДОРИНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ



Омон бўл фарзандим, дилбардим,
Қулуси гулдек бегуборим.
Илоҳим зарра гард қўнмасин,
Бағримда бўй чўзган ниҳоним.

● Ажаб дунё

Техронлик 3-синф ўқувчиси,
9 яшар Ризо Муҳаммадий Па-
сонад машаққат чекиб илм
олгани
дан сўнг
Курьони
Каримни
10 тилга — инглиз, француз,
немец, форс, итальян, испан,
турк, рус, япон ва урдучага тар-
жима қила бошлади. Ўзининг
эътироф этишича, бу ишда ота-

онаси катта ёрдам берган. Бо-
ланинг отаси
бир неча тил-
ларда бема-
лол гаплаша олади. Волидаси
эса Курьони Карим ва исломий
билимлар муаллимидир. Тил
билиш ҳам суяқ суради, деб
шунга айтсалар керак-да.

МИТТИ ТАРЖИМОН